

НАЗАРНОМА



Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1994 йил 25 май, чоршанба

№ 26 (6613)

Баҳоси сотувда эркин нархда.

Бир ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак: Ўзбекистон тақдири, бу — Қозоғистоннинг тақдири, қозоқ халқининг келажаги — ўзбек халқининг ҳам келажакдир.

Ислоҳ КАРИМОВ



Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва асл биродарлик илдизлари минг йиллардан нарига ўтиб кетган. Бизнинг тарихимиз, тилларимиз, динимизгина умумий эмас, тақдиримиз ҳам муштаракдир.


Нурсултон НАЗАРБОВЕВ

БИР БУЮК ЧИНОРКИМ, ТОМИРИ ТУТАШ...

23 май куни Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари бошланди. Шу муносабат билан Президент Нурсултон Назарбоев бошчилигидаги илм-фан, маданият соҳаси вакиллари ҳамда ишбилармонлардан иборат 600 кишилик Қозоғистон делегацияси днерини ташриф буюрди. Меҳмонлар жойларда иззат-икром билан кутиб олинди.

ҳайкали қошига бориб, пойга гуллар кўйдилар. Бу эврат замирида улкан рамзий маъно бор. Алишер Навоий умир бўйи туркий халқлар дўстлигини куйлади, инсониятни тинч-тотувида, ўзаро биродарлик ва ҳамкорликда яшашга ундади. Шу боис унинг жаҳон тараққури хазинасидан жой олган беиес адабий мероси ўзбеклар учун ҳам, қозоқлар учун ҳам бирдек қадридлир.

Айни пайтда юртимизда Қозоғистон Республикаси кунлари кизгин давом этмоқда. Шаҳар-кишлоқларимизда ишбилармонлар, илм-фан намояндлари, адабиёт ва санъат вакиллари билан учрашувлар, адабий-бадий кечалар, сахна асарлари намойишлари бўлиб ўтмоқда.



Суратда: икки давлат раҳбарларининг яккама-якка сўхбати пайти.

А. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Олий таълим янгиликлари ИСТИҚБОЛ САРИ КЕНГ ЙЎЛ

Пойтахтимиздаги "Киночилар уйи"да республика олий ўқув юртлирида таълимни ривожлантириш, шу мақсадда илм даргоҳларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва халқроқ ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари бўйича кенгаш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимов кенгашда сўзга чиқиб, бозор иқтисоди шароитида олий малакали ташаббускор ва ишбилармон мутахассислар тайерлаш ҳар бир олий ўқув юртлири олдида турган муҳим масала эканлигини алоҳида қайд этди. Таълимни ислоҳ қилишнинг янги шақллари амалда қўллаш, айниқса, чет эллардаги олий ўқув юртлири билан алоқаларни мустаҳкамлаш давр талабидир.

Музокараларда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Гуломов, Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети ректорининг биринчи муовини М. Раҳмонқулов, Тошкент давлат Шарқшунослик институти ректори, Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. Иброҳимов, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети ректори Ж. Бўроновларнинг ана шу мавзуда қилган марузалари ҳам таклиф ва мулоҳазаларга бой бўлди.

Анжуман ишида Республикаимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазириги тасарруфидаги ўқув юртлирининг мутахассислари, шунингдек Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудир А. Шайхов, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи муовини А. Қомиллов, Ўзбекистон Республикаси Ташқи халқаро иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи муовини М. Рустамбеков ҳамда "Жаҳон корпуси" вакили Карин Маргум, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакили жаноб Ҳамид Малик, Дунё банки вакили жаноб Парейв Ҳасан, "Тасиз" (Европа Қўмитаси) вакили жаноб Оливье Алпэ иштирок этдилар.

Мухбиримиз.

МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Республикаимиз ижтимоий ҳаётини ҳар томонлама чуқур ўрганишда жамоатчилик фикрини ва қизиқишларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эзгу юмушни амалга оширувчилар социологлардир.

Мустақил Ўзбекистонимизда социология мутахассислиги бўйича кадрлар тайерлаш йўлга қўйилганлиги ана шу улуг мақсадлар йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Шу кунларда мазкур мутахассисликнинг илк битирувчилари ҳаётга учирма бўлиш арафасида турибди.

Яқинда Тошкент давлат университети фалсафа факультетида социология бўлими битирувчиларига бағишланган "Ўзбекистон социологияси қалдирғочлари" мавзусидаги тантанали маросим бўлиб ўтди. Анжумани факультет декани Ибодулла Эргашев кириш сўзи билан очиб, республикаимизда социология мутахассисларига бўлган эҳтиёж, касбга муҳаббат ва масъулият, социология фанининг истиқболи тўғрисида гапирди.

Битирувчиларнинг куйи курс талабаларига тилаклари, куйи курс талабаларининг битирувчиларга қутловлари, қўшғиу рақслар, рамзий чиқишлар, ҳазилу мутуйбалар тантанали маросимга ўзига хос руҳ бахш этди.

З. УСМОНОВА.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЎРИГИ

Ўзан ИСҲОҚОВ, Қозоғистон Республикаси таълим вазирининг ўринбосари

Ўзбек ва қозоқ халқлари тили, дили бир-бирига яқин, маданияти бир эрдандан баҳра топаган ва топаётган, қолаверса, бир дарадан сув ичган, ердарию ҳапто қалбалари туташ халқлардир. Ўтмиши, урф-одатлари ва иқтисодий ҳаёт деярли бир хил бўлган икки қардош халқ бугунги кунда мустақил тараққийнинг истиқбол йўлидан бир-бирини суққан ҳолда дадил бормоқда. Бунинг Ўзбекистон ва Қозоғистон алоқаларининг тобора мустаҳкамлашиб бораётганига, ҳар икки мамлакат раҳбариятларининг муҳим муаммоларни бирерликда ҳал қилиш учун иштирок этиши, давлатларимиз ўртасида тузилган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга амал қиланганлигида, шу ҳужжатлар асосида ҳар икки мамлакат халқ таълимини ривожлантириш борасидаги кенг қўламли алоқаларда ҳақиқат кўриш мумкин. Қозоғистон ва Ўзбекистон Президентларининг ташаббуси билан май ойида Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг ўтказилиши ва сентябрь ойида Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг ўтказилиши тадбирлари ҳам дўстлик ва ҳамкорликнинг равнақида улуш бўлади, дўстона маънада ва эътиқоднинг кўригига айланади. Бунда шубҳасиз, ҳар икки мамлакат раҳбарияти ҳар халқ таълим соҳасида ишлар ва тўқнаш билан танишади. Куйидаги мақолада бу соҳадаги халқаро алоқалар, жумладан Ўзбекистон билан Қозоғистон раҳбариятларининг ҳамкорлиги тўғрисида сўз юртади.

Ўзбекистон Республикаси Таълим вазириги таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи марказий идорадир. У айни пайтда республикада таълим тизимини ривожлантириш, унинг истиқболларини белгилаш, таълимнинг тараққий ва таъин стратегик дастурларини ишлаб чиқиш, Қозоғистонда улуксиз яна таълим тизимини равнақ топтириш, давлат таълим муассасалари тармоқларини, уларнинг иш усуллари ва шаклларини, таълимнинг янги шакллари билан шуғулланишда. Вазирлигимиз тасарруфида республика таълим тизимининг инспекцияси, республика нашр кабинети, таълимнинг техника воситалари бўйича республика кабинети, республика илмий педагогика кутубхонаси, И. Олтинсарин номидаги таълим муаммолари Қозоғистон институти, янги технология ахборотлари республика таълим тизимининг, республика тест маркази,

моддий техника таъминоти бўйича республика ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси, жисмоний тарбия ва спорт республика бошқармаси мавжуд.

Қозоғистон таълим тизимини мустақил таълим-тарбия, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим ва ўқув, хунар-техника таълим, ўрта махсус таълим, олий таълим ташкил этади. Шунингдек, республикаимизда давлатга қарашли бўлмаган 60 га яқин таълим муассасалари ҳам бор. Булар махсус олий ва ўрта махсус ўқув юртлири умумтаълим мактаблари ҳамда тармоқ таълим курсларидир.

Авалло еш авлодин тарбиялаш, доноларимиз айтганидек, у тутилган кундан бошланади, чунки ҳар бир ота-онани эмас, бутун жамият ўз келажакда ҳақиқатга амал қилиши қилади. Бу қадим-қадимдан ҳақимизнинг қон-қонига сингган одатдир. Шунинг учун ҳам мустақил Қозоғистон Республикаси еш авлодга ғамхўрлик қилишга алоҳида эътиборни қаратиб келмоқда. Ҳозирги кунда республикаимизда мактабга тарбия бўлиб бўлган 2 миллион 163 миң кичкинтой камол топмоқда. Улар ялли ақолининг 12 фоизини ташкил этади. Ана шу кичкинтойлардан 866,3 миң нафар мактабга тарбия муассасарида тарбия олаётир. Республикаимизда 8578 та давлат мактабга тарбия муассасалари ишлаб турибди. Улардан 17 таси гимназия, 82 таси тил талаффузини, эстетик ва жисмоний ривожлантирадиган янги тилдаги болалар муассасаларидир. Бу муассасаларда асосан тарбия қозоқ тилида амалга оширилади, шунингдек, 4 миңдан зиёд аралаш гуруҳларга эга бўлган болалар боғчалари бор. Уларга 283 миңдан зиёд кичкинтой қамраб олинган. Шунингдек, республикаимизда 28 та ўзбек, 2 та тожик, 11 та уйғур болалар боғчалари ҳам

мавжуд. Бу тарбия муассасаларида машғулотлар уларнинг она тилларида олиб борилади.

Еш авлодга таълим беришнинг асосини умумий ўрта таълим ташкил этади. Мазкур ўқув йилида республикаимизда 8740 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мактабларда 3113,9 миң нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётирлар. Мактабларнинг 8395 таси вазиригимиз таълим тизимига қарашлидир. Бу мактабларнинг 3213 тасида қозоқ тилида, 2844 тасида рус тилида, 71 тасида ўзбек тилида, 16 тасида уйғур тилида, 3 тасида тожик тилида дарслар олиб бориламоқда. 2248 ўқув маскани аралаш мактаблар. Жанубий вилоятларимиз худудларида ўзбек мактаблари кўп, албатта. Бу мактабларда 63,5 миң ўғил-қиз таълим-тарбия олаёти. Шунингдек, республикаимизда немис тилида ўқув олиб бориладиган синфлар ҳам мавжуд. Умуман, Қозоғистон мактабларининг ақсариятини байналимал мактаблар деса бўлади.

Кейинги йилларда мактабларимизда турли фанларни чуқур ўргатишга, ўқувчиларнинг фан асосларини мукамилроқ эгаллашлари учун имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилаяпти. Мактабларимизнинг 1612 тасида турли фанлар чуқур ўргатилаёти. Бундан ташқари, янги тилдаги 75 та гимназия ва 63 та лицей ҳам фаолият кўрсатаётти. Мактабларимизда 280 миңдан зиёд ўқувчи ишлаётир. Еш авлодин камол топшида республикаимиздаги мактабдан ташқари муассасаларнинг ҳам роли беқеъсидир. Ҳозир республикаимиздаги 1790 та муассасада 750 миңдан зиёд ўқувчи қатнашмоқда. Бу муассасалар хилма-хил ўқувчилар уйлари, ёш техниклар станциялари, еш табиатушослар масканлари, мусиқа, бадий, санъат

болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари шулар жумласидандир. Буларнинг ақсарияти ўғил-қизларнинг касб-хунарга йўналтиришда ўзига хос мактаб бўлмоқда.

Қозоғистоннинг равнақ топишида ешларнинг касб-хунари бўлиши шубҳасиз муҳим аҳамиятга моликдир. Ана шунинг эътиборига олган ҳолда вазиригимизга қарашли 342 та хунар-техника ўқув юртлирида миңлаб ўғил-қизларга таълим бериляпти. Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги вазиригимизга қарашли 90 та, Транспорт вазиригимизга қарашли 10 та хунар-техника ўқув юртлири ҳам мавжуд. Умуман, республикаимиздаги бундай билим масканларида 200 миңдан зиёд ўқувчи 400 ишчи касби ва ихтисоси бўйича таълим олмақда.

Ўрта махсус ўқув юртлирида эса бугунги кунда 222,1 миң ўқувчи, 176 ихтисос бўйича, олий ўқув юртлирида 280,7 миң талаба ўқийтир. Республикадаги олий ўқув юртлирининг 40 таси вазиригимиз ихтиридадир. Умуман, Қозоғистондаги олий ўқув юртлирида ешларга 24,3 миң ўқувчи сабоқ бермоқда. Улардан 770 нафар фан доктори ва профессор, 9 миңдан зиёди фан номзоди ва доцентлардир. 215 ихтисос бўйича кадрлар тайерлаш 8 та университет, 3 та академия, 15 та техника, 16 та педагогика, 9 та қишлоқ ҳўжалиги, 6 та медицина тиббети, 2 та иқтисод, 4 та маданият ва 2 та жисмоний тарбия олий ўқув юртлири томонидан амалга оширилмоқда. Бундай хилма-хил таркибли олий таълимни жаҳондаги ва яқин қўшни республикалардаги таълимларни ўрганамай, ўзлаштирмай ва ривожлантирмай туриб амалга ошириш қийин, албатта. Бу борада биз учун Ўзбекистон олий ўқув юртлирининг таълимлари ҳам гоят муҳимдир.

(Давоми 2-бетда).

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Битирувчи йигит-қизларга

Баҳорнинг қадрига етмадик ҳатто,
Дархатлар бир кунда езаркан япроқ.
Лаҳзалар одами улгайтар гоҳо —
Ҳадемай чалинар сўнги қўнғирок.

Манзилнинг йироқ, йўллар хилма-хил,
Танаффусиз кечар энди умрингиз.
Болаликнинг қадри ортар йилма-йил,
Ҳаёт деганлар долғали денгиз.

Ҳоким бўлсангиз-да ўз-ўзингизга,
Обрў тополмангиз тўполон қилиб.
Жавобин олурсиз ҳар сўзингизга,
Турмуш зинасидан бўлмайдир ириб...

Кеча дашном берган муаллимнингиз
Яширмоқчи бўлар ешли-кўзларин.

Кулиб хайрлашинг, боқинг гунасиб,
Шошилинг истиқбол сари, дўстларим!

Бепардоз кўрасиз энди дунёни,
Сизнинг бағрингиздай кенгмикин жаҳон!
Ўзингиз кўясиз одил баҳони —
Йилдамас — ҳар кун бўлар имтиҳон...

Мактаб боғидаги кекса дарахтдай
Титрайди дуога езилган қўлим.
Ўн етти ешимга бир лаҳза қайтай! —
Сизнинг йўлларингиз жуда ҳам сўлим...

Атайлаб оламга ўт пурқар жавзо,
Гулга бурканади бугун ҳаммаек.
Олис-олислардан келар бир садо
Ҳадемай чалинар сўнги қўнғирок...

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.



